

Махсус дастур

Ҳақоратми ёки тухмат ёхуд “Туркиядан Сурияга жиҳодга бораётган ўзбеклар жуда кўп” мавзусидаги мақолага раддия

POSTED ON 19/04/2014 BY NURBEK IN СЎХБАТЛАР, СЎЗ СИЗГА! WITH 0 COMMENTS

Шу йилнинг 11 апрелида ББС радиосида “Би-би-сига айтаман: “Туркиядан Сурияга жиҳодга бораётган ўзбеклар жуда кўп” мавзусида бир мақола эълон қилинди. Унда айтилишча, Би-би-си билан суҳбатлашган асли андижонлик, ҳозирда Туркияда бўлган, исми сир қолишни сўраган аёл, айна пайтда Туркиядаги ўзбеклар орасидан Сурияга жиҳодга кетаётганлар сони ошиб бораётганини таъкидлайди.

Биз ватанларидан ҳижрат қилиб, бу ерга, Туркияга келган муҳожир ўзбеклар номидан гапирармиз, мақолада келтирилган фактларнинг ҳақиқатга тўғри келмаслигини таъкидлаб, унга қуйидаги асослар билан раддия берамиз: “Уларнинг аксарияти Қашқадарё, Сурхондарё, Андижон, Хоразмдан, яна кўплари Россиядан қочиб бу ерга келганлар. Жиҳодга кетадиганлар кўп, фақат қорнини ўйлаб кетадиганлари ҳам бор. Мен кўрганларим ҳаммаси ўзбеклар. Ёлғиз отинлар кўп. Эрларини жангга жўнатган”, дейди андижонлик қочқин.

1. Бу ерда яшаётган муҳожирлар орасидан Сурияга жиҳодга кетаётганлари йўқ. Яъни эрларини урушга жўнатиб, елғизланиб қолган аёллар йўқ мақолада айтилганидек. Оиласини ташлаб кетмаганидан кейин ёлғиз хотинлар ҳам бўлмайди табиий.

“Мени Туркиядаги қочқ ўзбекларнинг аҳволи қийнамоқда. Чидай олмаяпман. Ҳеч чидай олмайман, ҳар кун йиғлайман. Бир нон увоғи ерга тушса, уни босмай авайлаймиз аммо ўзбеклар бу қадар сочилиб кетган, дея ўйламаган едим”, деб айтади шунингдек аёл.

2. Бу ерда келтирилганидек, қочқоқлар аҳволи ҳечам оғир эмас. Бу ерда юртини тарк этиб келган ўзбекларга ердам берувчи жамиятлар бор. Қолаверса, Туркия ҳукумати томонидан ҳам кўплаб-қувватланиб келинмоқда. Ҳали шу пайтгача ош-овқатсиз, уй-жойсиз, кўчада қолиб кетган муҳожирини кўрганмиз йўқ. Қолаверса, ҳижрат қилган кишига Аллоҳ таолонинг ваъдаси бор. Яъни ёрдамсиз ташлаб қўйилмайди.

Мақоладаги маълумотларга кўра, айна пайтда Қайнарйи деган жойда 100 та ўзбек оиласи бор. Султанбейлида 80 та. Аммо уларнинг аҳволи оғир. Ҳар бир ўзбекда учтадан етти-саккизтагача бола бор. Уларни ҳеч ким ишга олмайди.

3. “Ҳар бир оилада 7-8 нафардан фарзанд бор” деган хабар ҳам нотўғри. Оилалардаги фарзандларнинг ўртача сони 3-4 та. Ҳеч ким ишга олмайди, деган гап ҳам тўғри эмас. Уларнинг аксарияти ишлашди. Иқомаси борлар расмий ишларда, йўқлари норасмий, асосан, қурилишларда ишлашди. Бунга биз шахсан гувоҳимиз.

“Ҳеч бирининг болалари ўқимайди. Шу қадар аҳволлари оғирки, турклар бир бурда нон берса ейди, қийин жуда. Эркакларини ҳаммасини Сурия ва Ироққа жиҳодга жўнатишмоқда. Уша ерларда кўплари қирғилиб ўлиб кетяпти. Лекин улар кетишга рози, кўплари кўнгилли бўлиб кетмоқда, бир хиллари мажбурлиқдан. Ўзбекистонга қайтай деса, у ерда ўлим кутяпти уларни, диндорлиги учун қочиб чиққан. Аёлларининг кўпларида иккитадан чақалоқ қолган, эрсиз қолган бу хотинларни бошқариш ҳам қийин. Баъзи эркакларнинг уч-тўртта хотини бор, ҳаммаси қолган, ўзлари жиҳодда”.

4. Мақола муаллифи ўзбек қочқинларини туркларга мутеъ ва таъма қилувчи деб таъсирлайди. Агар бу ерда айтилганидек, ҳамма эркаклар Сурия ва Ироққа кетишган бўлса, у кўрган эркаклар кимлар? Иқомат (яшаш учун рухсатнома) олган муҳожирларнинг фарзандлари мактабларга чиқошади. Унда айтилганидек, “турклар бир бурда нон берса ейди, йўқса йўқ” эмас. Уларнинг кўлига қараб қолишмаган. Яна бу ерда мақола эгасининг таъкидлашича, аёлларнинг кўлида иккитадан чақалоқ, эрсиз қолган. Буни қандай тушуна бўлади? Битта хотиннинг кўлида иккитадан чақалоқ? Нима демоқчи бу билан? Яна ваҳоланки, шундай оғир шароитларда яшар экан, қандай қилиб уч-тўртта хотинга ўйланишлари мумкин. Мантисиз нарса.

Андижонлик қочқин аёл ўзбеклар бор жойларни айланаб чиққанини, у ердаги ўзбек болаларининг ҳаммаси саводсизлигидан дахшатга тушганини айтади. “Болаларнинг бари саводсиз. Уларнинг орасида Қозғистон ва Қирғизистондан ҳам келганларни кўрдим, дейди у. Бундай оилаларнинг кўпи пул учун кетяпти жиҳодга”.

5. Андижонлик аёл айтганидек, бу ердаги ўзбекларнинг болалари саводсиз эмас, балки юқорида таъкидланган мадрасаларда диний фанлар билан биргаликда дунёвий фанлар ҳам ўқитилади. Пул учун жиҳодга кетиши ҳам тухмат, чунки кетаётган одамнинг ўзи йўқ.

Бир воқеа менга жуда катта таъсир қилди, дея кўрганларидан сўзлайди яна у. Ҳатто баъзилари шифокорларни ва ўқитувчиларни ҳам кофирлар деб билади. Муслмонлар болаларини кофирларга кўрсатмайди ёки, кофирларга ўқитмайди, деб уйда олиб ўтиришади.

6. Шифокорлар ва ўқитувчиларни кофир дейишлигини қандай қабул қилиш мумкин? Агар шундай дейдиган бўлса, ерли миллат, қолаверса, ҳукуматнинг норозилигига учраши мумкин-ку! Ҳаммамиз гувоҳимизки, медицина хизматидан фойдаланишдади улар зарурат туғилса, ҳатто бу ердаги туғуруқхоналарда неча-неча аёлларнинг кўзи ёриганини биламиз.

7. Ишламайдиган аёллар ишлайдиганлари билан алоқа қилмайди, дегани ҳам нотўғри. Бунақада муҳожирлар иккига ажралиб қолади-ку!

Ушбу мақоланинг пайдо бўлиши хусусида тахмин-хулосаларимиз бор:

1. Мақола муаллифига бу ердаги бутун муслмонлар номидан гапириш учун ким ҳуқуқ берди, бундан кўзада тутган мақсади нима? айниқса, ачинарлидир. Бир-икки кишининг фикри билан хулоса чиқариб, буни умум учун қўллаш қай даражада ҳақиқатга яқин?
2. Муҳожирларнинг аҳволи шунчалик, кечалари ухламай чиқадиган, тинимсиз йиғлайдиган даражада эканими? Бу ерда муслмон деган номга доғ тушириб, ўз танасини сотиб юрган ўзбек аёлларининг аҳволи нега уни таъшилантормаяпти? Ҳаммаёқни кезиб чиққан бўлса, наҳотики, гувоҳи бўлмади ёки эшитмади бундай аёллар ҳақида? Аслида уларнинг ҳолати ҳамма нарсадан ачинарлироқ эмасми? Пул учун динини, танасини сотаётган ўшалар эмасми? Ваҳоланки, бундай фахш ишлар билан шуғулланидиганлар ҳақида Туркия матбуотида ҳам бир неча марта мақолалар эълон қилинди. Нега энди булар ҳақида жим мақола муаллифи? Нега энди ўзбек, муслмон деган номни бутун дунёга шарманда қилаётган бу қабих ҳолат уни таъсирлантормайди, ташвишга солмайди?
3. Хуллас, бир сўз билан айтганда, ушбу мақола муҳожир муслмонларнинг эътиборини тушириш учун ёзилган, деган фикрни билдираемиз.

Туркияда яшовчи бир гуруҳ муҳожир ўзбеклар

Тавсия этинг:

Like 0 Tweet G+

Related Posts

- Конституцион тузумни нечта киши ағдариши мумкин?
- Давлатчилик бундай бўлмайди мансабдор жаноблар!!!
- Панжа орқасидан қараш
- “Кўп нарса бизга жуда оз боғлиқ эди”
- Ўзбек сўми қадрсизланишда давом этмоқда
- Биз қандай давлатда яшаганимиз ўзи?
- Жўмардликнинг, тўғриликнинг маъносини
- Ақром Малик иши бўйича суд маҳкамаси махфий равишда ўтказилишга уринилган
- Қаҳр овулининг ватандоши
- Яна «вақтинча прописка»: қачонгача сарсон бўлаемиз?

Leave a Reply

Your email address will not be published. Required fields are marked *

Comment

Name *

Email *

Website

Post Comment

СЎНГИ ХАБАРЛАР

Ўзбекистон туркий тилли давлатлар ҳамкорлиги Кенгашига қўшилади

Бобомурод Абдуллаев ДХХ хибсхонасидан Президент Мирзиёевга мурожаат йўллади

Б.Абдуллаев ва бошқалар иши: “Усмон Ҳақназаров” мақолалари такроран экспертиза қилинадиган бўлди

Кўнгилларни ларзага солувчи нохуш хабар

Сиёсий иродами ёки яна ваъдабозлик?

Европа Иттифоқи 2017 йилда ярим миллиондан кўпроқ қочқинга бошпана берди

МХХга Бобомуродни қамаш шунчалар керакмиди?

БМТнинг Қийноқларга қарши конвенцияси факультатив протоколига қўшилиш режаланимоқда

Президент: Божхона ходимлари терговда

Москва суди Telegramни Россияда блоклаш тўғрисида қарор қабул қилди

АҚШнинг ЕХХТдаги миссияси Бобомурод Абдуллаев қийноққа солинганидан ташвиш билдирди

Россия шарқий Ғутани яна бомбардимон қила бошлади

“Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги қонун имзоланди

Ҳеч нарсага қарамай

Ўзбеклар миясини юваётган рус саҳифалари тармоқдан қувилди

UZBEKFM VIDEO



САЙТДА ИЗЛАШ

Search this site

EMAIL-ОБУНА

OK



АРХИВ

Архив Select Month

TUNEIN UZBEK.FM

